

ДАРС ЖАРАЁНИДА АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДЛАРИ

О.Жумаев ¹, Ч.Ташпулатова ²

Аннотация:

Ушбу мақолада биз ажратиш ҳодисаси ва унинг ёрдамида ҳосил бўлаётган ажратилган бўлақлар, ажратилган компонентлар, ажратилган бўлақли гаплар, ажратилган конструкциялар каби тушунчалар тўғрисида талабаларга маълум даражада маълумотлар беришда қандай методик усуллардан фойдаланилса, қулайроқ бўлади, қайси бир усул, бу ҳодисани талабалар томонидан ўзлаштириб олишни осонлаштириши, ёки бўлмаса жадаллаштириши мумкинлигини тадбиқ этамиз.

Калит сўзлар: ажратиш ҳодисаси, ажратилган бўлақлар, ажратилган компонентлар, ажратилган бўлақли гаплар, ажратилган конструкциялар, методик усуллар, кузатувчилик методи, қиёслаш ёки чоғиштирма методи.

doi: <https://doi.org/10.2024/q83h4w39>

Ажратиш ҳодисаси ва унинг ёрдамида ҳосил бўлаётган ажратилган бўлақлар, ажратилган компонентлар, ажратилган бўлақли гаплар, ажратилган конструкциялар каби тушунчалар талабалар учун нотаниш бўлган тушунчалар ҳисобланади, чунки ўқитувчилар дарс жараёнида кўп ҳолларда ўзларига маълум бўлган ҳодисалар тўғрисида тушунтириш ишларини олиб борадилар, бироқ ўзларига унчалик таниш бўлмаган ҳодисалар тўғрисида фикр-мулоҳазалар ҳам юритишмайди. Шу сабабли ҳам кўпгина ҳодисалар дарс жараёнида ўзларининг ечимига эга бўлмайди.

Ўз ечимига эга бўлмайдиган ана шундай ҳодисалардан бири бизнингча – бу ажратиш ҳодисасидир. Хўш, ана шу ажратиш ҳодисаси тўғрисида талабаларга маълум даражада маълумотлар беришда қандай методик усуллардан фойдаланилса, қулайроқ бўлади, қайси бир усул, бу ҳодисани талабалар томонидан ўзлаштириб олишни осонлаштириши, ёки бўлмаса жадаллаштириши мумкин.

Бизга маълум бўлган илмий-тадқиқот ишларида ажратиш ҳодисасини тушунтиришда қуйидаги методлардан фойдаланишни тавсия этилади: кузатувчилик методи; қиёслаш ёки чоғиштирма методи; анализ ва синтез методлари; аналогия ва дарсликлар устида ишлаш. Албатта бу методлар маълум даражада тажрибада синовдан ўтказилган методлар ҳисобланади. Ушбу методлар мактабларда ўқувчиларга ажратиш ҳодисасини тушунтиришда қўлланилган ва ўзининг ижобий натижаларини берган. Ажратиш ҳодисасига хос бўлган хусусиятларни мактаб ўқувчиларга тушунтиришда биринчи навбатда кузатувчилик методдан фойдаланганлар. Ушбу метод ёрдамида ўқувчиларга ажратиш ҳодисасига хос бўлган баъзи бир умумий хусусиятлар тўғрисида умумий тушунчалар беришга ҳаракат қилганлар: ажратилган бўлақнинг ўзига хос оҳанги, тўхтами, мантиқий урғуси тўғрисида тушунчалар берилган. Бироқ ажратиш ҳодисасини дарс жараёнида талабаларга тушунтиришда

¹ О.Жумаев, СамДЧТИ доценти

² Ч.Ташпулатова, СамДЧТИ магистранти

кузатувчилик методидан эмас, балки қиёслаш ёки чоғиштира методдан фойдаланилса, биринчидан анча қулайликларни келтириб чиқариши мумкин; иккинчидан эса, ажратилган бўлақларга хос бўлган барча хусусиятларни осонликча ўзлаштиришга қулайликлар яратади, чунки бу метод кўриш жараёни билан узвий боғлиқдир.

Биз ҳам ана шу қиёслаш ёки чоғиштира методнинг ажратиш ҳодисасини талабаларга тушунтиришда қулайликларини конкрет мисоллар намунасида изоҳлаб беришга ҳаракат қиламиз. Қиёслаш ёки чоғиштира метод деганда биз таркибида ажратилган бўлақка эга бўлмаган гапни таркибида ажратилган бўлақка эга бўлган гапга қиёс қилиб, ажратилган бўлақли гапларга хос бўлган хусусиятларни худди шундай табиатга эга бўлмаган гапдан фарқ қилдирувчи омилларни тушунамиз.

1. Fritz Helgert lag in blutbespritzer Uniform am Eingang eines verlassenen Dokes (G. Hofe. Roter Schnee, S. 484).

2. Wir, Martchen und ich, werden nicht wegfahren (I. Herder. Die Frau vom Ziegelhof, S. 272).

3. Man sah nur noch Soldaten in den verödeten Straßen (B. Kaiser. Sie nannten sie Anna. S. 397)

4. Sie hatte drei Kinder, zwei Mädchen und einen Knaben Meinhard (L. Feuchtwanger. Die häßliche Herzogin Margarete Maultasch, S. 151).

Талабаларга янги мавзуни, яъни ажратиш ҳодисасини тушунтиришда қиёслаш, яъни чоғиштира методни танладик, чунки айнан шу метод орқали қолган методларга ўтиш осонроқ бўлади. Қиёслаш метод ёрдамида бу ерда келтирилган тўртта мисол ёрдамида ажратиш ҳодисасини, аниқроқ қилиб айтганда, ажратилган бўлақли гапни шундай табиатга эга бўлмаган гапни тушунтиришга ҳаракат қиламиз. № 1, 3 – рақамли мисолларда биз оддий содда ёйиқ гапга эга бўлсак, № 2, 4 – рақамли гапларда эса, ажратилган бўлақли гапга эга бўламиз. Ажратилган бўлақлар ҳар хил грамматик ифодаланиб келмоқда. Масалан № 2- рақамли мисол таркибида ажратилган бўлақ эга орқали ифодаланган бўлса, № 4-рақамли эса - тўлдирувчи ёрдамида ифодаланган.

Ажратилган бўлақлар ўзларига хос бўлган баъзи - бир хусусиятлари жиҳатидан, худди шундай табиатга эга бўлмаган гаплардан, шунингдек маълум бўлақдан ҳам кескин фарқ қилади.

Энди ажратилган бўлақларга хос бўлган хусусиятларни № 1, 3 – рақамли мисолларда намоёиш этилган гапларни, № 2, 4 – рақамли мисоллардаги гапларга қиёслаш йўли билан изоҳлаб берамиз: биринчидан ажратилган бўлақларнинг ўзига хос оҳанги бўлади, улар гап бўлақларидан тўхтаб билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам, ажратилган бўлақлар тутган позицияларига қараб вергул (бошқа тиниш белгилари ҳам бўлиши мумкин) билан ажралади. Масалан № 2-рақамли мисол таркибида, ажратилган бўлақ қолган гап бўлақларидан икки томонлама вергул билан ажратилади, чунки у интерпозиция ҳолатида келган. № 4-рақамли мисолда ажратилган бўлақдан олдин вергул қўйилган, чунки у постпозиция ҳолатида турибди.

Ажратилган бўлақлар ўзига хос маъновий ва коммуникатив функциясига эга. Уларнинг маъновий хусусияти шундан иборатки, ажратиш орқали маълум бўлақнинг маъноси бўрттириб кўрсатилади, шу билан бирга улар томонидан маълум бўлақка қўшимча маъно изоҳланади. Натижада ажратилган бўлақларнинг қўшимча маъноси ёрдамида маълум бўлақларнинг мазмуни конкретлаштирилади, изоҳланади, тўлдирилади, аниқланади, кенгайтирилади.

Ажратилган бўлакли гапларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири – бу уларнинг икки ёқлама маъно муносабатига кириши билан изоҳланади. Ажратилган бўлаklar бир томондан маълум бўлакнинг мазмуни билан маъно муносабатга киришса, иккинчи томондан эса гапнинг кесими орқали бутун гапнинг мазмуни билан маъно муносабатига киришади. Бундай ҳолни биз № 1, 3 – рақамли мисоллар таркибида кўрмаймиз.

Ажратилган бўлакли гаплар (2,4) мазмунан ва оҳангдаги ўзига хос хусусиятлари билан мураккаб фикрни ифодалайди. Мураккаб фикрни ифодаловчи бу гаплар қўшма гап бўла олмайди, чунки таркибида битта предикатив бирлик бор. Шу билан бирга ажратилган бўлакли гаплар содда гап ҳам бўлмайди, чунки таркибида асосий предикатив бирликдан ташқари, ярим предикатив мазмунга эга бўлган ажратилган бўлак бор. Бундан табиатга эга бўлган гаплар мураккаб гап деб аталади (Л.А.Мешкова, 1983, 1984).

Аудиторияда ажратиш ҳодисасини тушунтиришда қўлланиладиган бундай қиёслаш ёки чоғиштирма методлар универсал характерга эга, чунки бу метод қолган барча методларни (кузатувчанлик, анализ ва синтез, аналогия, дарслик устида ишлаш) ўзида такрорлайди, фақат ундан унумли фойдаланилса айти муддао бўлади.

Ажратиш ҳодисасини талабаларга тушунтиришда қўлланиладиган методлар бу ерда қайд этилган методлар билан чегараланиб қолмайди, балки матннинг характерига қараб улар янги - янги методлар билан бойиб боради деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]. Мешкова Л.А. Принципы отграничения простого предложения от сложного и выражения временного соотношения между однородными сказуемыми слитного предложения и между сказуемыми осложненного предложения. - В кн.: Функционирование лексических и синтаксических единиц в тексте. М., 1983. - С. 56 - 80.

[2]. Мешкова Л.А. Структурно - семантические и стилистические особенности предложений, осложненных несколькими глагольными сказуемыми. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. филол. наук. М., 1984. - 24 с.